



Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№6

2025-yil

12-fevral, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqq boshlagan



ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА АЛОҚАДОР ҚОНУНЛАРГА

овоз бериш ёки инкор этиш нафақат ҳуқуқ, балки мажбуриятдир

Кўпчиликка яхши маълум, депутатлар халқ вакили, халқ ноиби, деб ҳам аталади. Уларга бундай таъриф берилишининг сабаби, халқ ишонч билдириб, ўз орасидан муносиб кўрган номзодни танлайди. Келгусида Кенгашда, парламентда халқ номидан гапирадиган, унинг қизиқишларини, манфаатини ифода этадиган вакил сифатида ўша номзодга овоз беради. Демак, халқ вакили бўлиш ортида нафақат ишонч, аввало, юксак масъулият ва мажбурият бор.




Бундан кўринадики, халқ вакиллари жамланган манзилда халқимиз ҳаётига оид масалалар муҳокама қилинади, қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланади ва тасдиқланади. Умуман олганда, аҳолининг бевосита тақдирига дахл қилувчи, жамиятни тартибга солувчи қоидаларга овоз бериш, уларга таклиф ва фикр билдириш, кези келганда инкор этиш ҳар бир парламент вакили, яъни, халқ вакилининг нафақат ҳуқуқи, балки сайловчилар олдидаги

мажбурияти ҳамдир.

Қуйи палата депутатлари сайловдан сўнг анча фаоллик билан ўз ишига киришган эди. Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан баҳс-мунозараларда ҳам бу яққол кўзга ташланди. Мазкур ҳолат жорий ҳафтада қандай тус олгани ҳақида муҳокама жараёнидан тайёрланган мақолада ёзишга ҳаракат қиламиз.

2 САҲИФАДА



УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР, ЎРГАНИШЛАР...

ДЕПУТАТ УЧУН ҲАМ, САЙЛОВЧИ УЧУН ҲАМ ИМКОНИАТДИР

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР, ЎРГАНИШЛАР, СУХБАТЛАР... БУ МЕХАНИЗМЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ ОДАМЛАР ИЧИГА КИРИБ БОРИШИ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ЯНГИ ҚОНУНЛАР МАЗМУН-МОҲИАТИНИ УЛАРГА ЕТКАЗИШИ, ЎЗ НАВБАТИДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ДАРДИ-ТАШВИШИНИ ТИНГЛАШИ ВА МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА Кўмаклашиши учун бир имкониятдир. Яқиндагина ўз сайлов округларида бўлиб қайтган олий мажлис қонунчилик палатасидаги ўзхдп фракцияси аъзолари партиямиз сайловолди дастурида ифода этилган ва электоратимиз манфаатларига дахлдор бўлган қатор масалаларни қамраб олдилар.

3

СОЯДАГИ ИҚТИСОДИЁТ


ЁХУД “КОНВЕРТ”ДАГИ ОЙЛИКНИНГ ЖАМИЯТГА ЗАРАРИ ҲАҚИДА

ТАСАВВУР ҚИЛИНГ, СИЗ ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИДА НОРАСМЙ ТАРТИБДА ҚУРУВЧИ СИФАТИДА ИШ БОШЛАДИНГИЗ. ШАҲАРДА НИМА Кўп, ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН Кўп ҚАВАТЛИ УЙЛАР Кўп. ИШ БЕРУВЧИ СИЗ БИЛАН ФАҚАТ ОҒЗАКИ ТАРЗДА ИШ ҲАҚИНИ КЕЛИШДИ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИСИЗ. ЁТОҚ-ЖОЙ ҲАМ ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА, ЯъНИ, ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ-ЖОЙ БИНОСИДА. БИР-ИККИ ОЙ ВАҚТ ЎТИБ, СОВУҚДАН, МУЗДАЙ БЕТОНЛАРНИНГ ЗАХИДАН СОҒЛИГИНГИЗДА МУАММОЛАР ЧИҚИШНИ БОШЛАЙДИ...

6

БУЛЛИНГ

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИГИНИНГ САБАБИ НИМАДА?



7

ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА АЛОҚАДОР ҚОНУНЛАРГА

овоз бериш ёки инкор этиш нафақат ҳуқуқ, балки мажбуриятдир

(Давоми. Боши 1-бетда)

ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қўрилган қонун лойиҳалари, табиийки, Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Фракция аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2024 йилдаги ижроси якунлари тўғрисида"ги ҳисоботини тинглади.

Таъкидланганидек, ўтган йили Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва мақсадлар доирасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилинди. Хусусан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари кўрилган. Қонун устуворлигини таъминлаш, "Хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналишида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилган.

Мухими, Давлат дастуридаги устувор йўналишлар ва мақсадларнинг ўз вақтида ва сифати билан бажарилиши таъминланган. 2024 йил якунида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизни ташкил қилган.

Муҳокамалар давомида депутатлар Давлат дастури ижросида ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилганини юқори баҳолади. Зеро, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бунда аҳолини янги иш ўрни ва қафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Давлат дастурида ижро муддати узайтирилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш, бунда мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Маълумотларга қараганда, вақтинча ишсиз ҳамда зарур касбий малакага эга бўлмаган фуқаролардан 221 мингдан зиёди меҳнат бозорининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, 90 та касб йўналиши бўйича ўқитилган. Худудлар кесимида камбағал аҳолига кўрсатилаётган ёрдамни онлайн мониторинг қилиш ва манзилли ишлаш имкониятини берадиган "Индивидуал дастур" модули ишга туширилган. Ушбу модулда ижтимоий ҳимояга ва иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож 729 мингга оилани камбағалликдан чиқариш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, индивидуал ёрдамлар кўрсатилган.

Давлат дастурининг 2024 йил якунлари ижросига оид ҳисобот юзасидан партия фракцияси ўз муносабатини билдирди.

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятوف Давлат дастурига халқимизни ягона эзгу мақсад йўлида жипслаштирадиган масала сифатида қараш кераклигини ва унинг амалга оширилиши барча учун жуда долзарб эканига урғу берди. Таъкидландики, мазкур дастурнинг ижроси мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириши, аҳолининг турмуш даражасини ривожлантиришга, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилаётгани эътиборга молиқдир. Қувонарлиси, ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилгани, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилаётгани инсонлар ҳаётида акс этмоқда.

Қайд этилдики, Давлат дастурига ажратилган маблағларнинг 50 фоизи ёки 152 трлн сўми ижтимоий соҳага йўналтирилган. Натижада "Ёшлар дафтери"га киритилган 50 мингга яқин талабанинг контракт тўловлари, 15 мингга яқин ногиронлиги бўлган ёшларга даволаниш харажатлари ҳамда 400 мингдан ортқ ижтимоий ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, I ва II гуруҳ ногирони ёки қармоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор хотин-қизларга моддий ёрдамлар кўрсатилган. Соғлиқни сақлаш йўналишида эса 8 млндан ортқ 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар онкогематология текширувлардан ўтказилган.

Партия етакчилига кўра, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ушбу ҳолат Давлат дастурида амалга оширилаётган ишлар партия Сайловолди дастуридаги муҳим ғояларига ҳар томонлама уйғундир.

Шу билан бирга, фракция Давлат



дастурини режалаштириш ва амалга оширишда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни таклиф этди.

Биринчидан, фракция Давлат дастурининг ижросини кўриб чиқиш жараёнларида билдирган қатъий позициясидан келиб чиқиб, бирламчи бозордаги уй-жойларни сотиб олишда дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун субсидияларни реал бозор нархидан келиб чиқиб белгилаш лозим, деб ҳисоблайди.

Иккинчидан, Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда вазирлик ва идоралар жавобгарликни ҳис қилиши, натижалар учун ҳисобдор бўлиши ҳамда ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳаллий давлат органлари ушбу дастурларнинг аҳолига манзилли етиб бориши учун тегишли чораларни кўриши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, депутатлар ҳам Давлат дастурларининг ижросини амалга оширишда фаол иштирок этиши лозим. Шундан келиб чиқиб, айрим меъёрлар янгиланишига оид лойиҳа парламентга киритилган.

Муҳокамалар якунида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган қарор қабул қилинди.

Фракция раҳбари бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг барча даражадаги депутатлик корпуси орқали ислохотларда фаол иштирок этишини маълум қилди.

ОМБУДСМАНГА МУРОЖААТЛАР СОНИ ОШГАН

Йиғилишда муҳокама этилган навбатдаги масала, яъни, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (Омбудсманнинг) 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Фракция аъзолари Омбудсман институти томонидан фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, инсон ҳуқуқларини қафолатловчи қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Ҳисоботдан келиб чиқиб, ўз фикрлари, таклифларини билдирди.

Жумладан, депутат Зокиржон Зоҳидов амалга оширилган ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, мурожаатлар бўйича кўплаб маълумотлар берилган бўлса-да, ҳисобот даврида уларнинг қанчаси ҳал этилгани, қанчаси ечимини кутаётгани ва қанчаси кўриб чиқилаётгани тўғрисида аниқ рақамлар берилмаганини қайд этди. Мурожаатларнинг қўллигини ҳисобга олиб, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва соҳага тегишли мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ экани айtilди.

Депутатга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этишда минтақавий вакилларнинг ўрни катта. Бу борада минтақавий вакилларнинг лавозим мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш ва юридик маълумотга эга кадрлар билан таъминлаш чорасини кўриш мақсадга мувофиқ.

Омбудсманнинг сўзларига кўра, ўтган йилда мурожаатлар сони 2023 йилга нисбатан ошган ва 23422 тани ташкил қилган. Тажрибадан келиб чиқиб 2025 йилда янги режа ва мақсадлар белгилаб олинган. Хусусан, тегишли вазирлик ва идоралар билан меморандум имзоланиши ва янгича ёндашув асосида фаолият олиб бориш режалаштирилмоқда. Биргина мисол, Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг мурожаатларини таҳлил этиш ҳамда масъул вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан аниқ ва асосланганлик билан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашув-

лар ўтказиш мақсад қилинган. Жорий йилда шу ва шунга мос равишда ўнлаб янгича ёндашув асосидаги чора-тадбирлар юзасидан алоҳида ахборот тақдим этилди.

Фракция аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ахборотини тасдиқлаб, овоз берди.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Палата мажлисида биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ҳар бир партия фракцияси аъзолари фикрларини билдирди.

Хусусан, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-тамоийилларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, тизимдаги ислохотлар учун айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж сезилади. Шундан келиб чиқиб, айрим меъёрлар янгиланишига оид лойиҳа парламентга киритилган.

Муҳокамалар давомида Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Анвар Нурматов бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва энди иш бошланганлар учун қонунчиликдаги янгиликларни тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади. Ақс ҳолда, аҳоли орасида қонуннинг асл мазмунини англаш давомида тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Депутатга кўра, қабул қилинаётган қонунлар, ҳатто унга киритилган ҳар бир ўзгартириш ҳақида фуқароларнинг хабардорлиги масаласи муҳим ҳисобланади. Зеро, қонун халқ учун бўлиши ва уларнинг манфаатларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Депутатлар лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди ва уни концептуал жиҳатдан маъқуллади.

СОЛИҚ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛИШИ МУМКИН

Ер солиғидан имтиёз берилиши натижаида йилига ўртача 18,2 млрд. сўм пул маблағлари паррандачилик корхоналари ихтиёрида қолишига имконият яратилади. Бу ҳақида фракция йиғилишида маълумот берилди.

Қонун ташаббускорларига кўра, мамлакат аҳолиси учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган паррандачилик маҳсулотлари билан ички бозорларни тўлиқ таъминлаш, соҳага замонавий генетик технологияларни жорий этиш ва наслчилик материаллари етиштиришни кўпайтириш ҳамда экспортни ривожлантириш зарурати юзасидан келмоқда.

Шу муносабат билан, паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада яхшилашга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан имтиёзлар тақдим этиш талаб этилмоқда.

Қўйи палатага киритилган янги қонун лойиҳасида бу борадаги ўрганишлар, ўзгартиришлар атрофлича тушунтириб берилган. Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ана шулар асосида ўз саволлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этилдики, лойиҳа билан 2030 йил 1 январга қадар паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини (экин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг бино-иншоотлари ва ер участкаларини ижарага беришдан олган даромадлари бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этиш меъёри ҳам таклиф этилмоқда.

Депутатлар ижтимоий аҳамиятга эга ўзгартириш ва қўшимчаларни концептуал жиҳатдан маъқуллади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ЎРГАНДИ



Худудларда аҳоли томонидан келиб тушаётган ҳар қандай мурожаат депутатлар томонидан ўрганилиб, ижроси назоратга олинмоқда. Ўрганишлар жараёнида сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни жойида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Гулистон туман Кенгаши депутати Х.Юсубалиев масъул ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда "Юлдуз" МФЙ ҳудудидаги "Бодомзор 3" кўчасида бўлиб, фуқаролар мурожаатларида кўрсатилган муаммоларни ўрганди.

Гап шундаки, ушбу кўчадаги электр сим-ёғочлар авария ҳолатига келиб қолган. Шунингдек, фуқаролар кўчага ичимлик суви тармоғини тортиш, йўлни шағал ёки бетон-асфальт қилиш бўйича амалий ёрдам сўраган. Барча масалалар тегишли тартибда ҳал қилинадиган бўлди.

ФАРҒОНАЛИК ЁШ СИЁСАТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Сиёсатдаги ёшлар" интеллектуал турнирни ташкил этди.

Турнирда вилоятдаги бир қатор олий таълим муассасалари жамоалари қатнашди.

Натижалар бўйича биринчи ўрин Кўқон давлат педагогика институти талабаларига насиб этди. Иккинчи ўринни Фарғона давлат университети, учинчи ўринни эса Фарғона политехника институти жамоалари эгаллади.

Турнир дўстона муҳитда ўтказилиб, барча иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, мусобақа давомида ёшларнинг партия аъзолигига қабул қилиниши ҳам уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга хизмат қилди.

БЕКОБОДДА ХДПНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ КўПАЙДИ

ЎзХДП Бекобод шаҳар Кенгаши ва Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида очик мулоқот ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги нуфузини, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланганлигига эътибор қаратишди.

Хотин-қизларни янгича ёндашув, ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларига қўмақ бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишлар, сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Халқ демократик партиясининг бу борадаги ташаббуслари, амалий лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, тадбир доирасида Оила ва хотин-қизлар бўлимида бошланғич партия ташкилоти тузилди ва партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА



Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутати Ш.Абдуллажанов Чортоқ тумани 1-сектор ҳудудида жойлашган "Дамариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашди.

Учрашув давомида маҳаллада яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Шу куни сайловчилар газлаштириш, янги турар жойларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва бошқа масалалар бўйича мурожаат қилишди.

Мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР, ЎРГАНИШЛАР...

ДЕПУТАТ УЧУН ҲАМ, САЙЛОВЧИ УЧУН ҲАМ ИМКОНИЯТДИР

Учрашувлар, мулоқотлар, ўрганишлар, суҳбатлар... Бу механизмлар депутатларнинг одамлар ичига кириб бориши, амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонунлар мазмун-моҳиятини уларга етказиши, ўз навбатида сайловчиларнинг дарди-таъвишини тинглаши ва муаммолари ечимида кўмаклашиши учун бир имкониятдир. Яқиндагина ўз сайлов округларида бўлиб қайтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари партиямиз Сайловолди дастурида ифода этилган ва электоратимиз манфаатларига дахлдор бўлган қатор масалаларни қамраб олдилар.

Айниқса, фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, Сайловолди дастуримизда белгиланганидек, ёшларга сифатли таълим берилиши мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир. Шу боисдан ҳам депутатларимиз энг аввало мактаблардаги таълим сифати билан қизиқишди.

Жумладан, Ирина Токарева Юнусобод туманида жойлашган 87-алоҳида таълим эхтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда бўлди. У ердаги шароит ва ҳақиқий ҳолат ўрганилди. Хусусан, мактабнинг ички қисмида таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, иситиш тизимини яхшилаш зарурати мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, депутат Юнусобод туманидаги “Ҳамкоробод” маҳалласида яшовчи аҳоли вакиллари билан учрашиб, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳолати билан танишди.

Дилбар Мамаджанованинг Фарғонадаги ўрганишлари чоғида ҳам ёш авлод вакилларининг таълим олиши билан боғлиқ бирмунча камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Масалан, Фарғона туманидаги бир нечта мактаблар бинолари, улардаги шароитлар бугунги талабларга тўғри келмайди. Қатор таълим даргоҳлари капитал таъмирлаш, моддий-техник базаси янгиланишга муҳтож.

Қолаверса, ҳудуд аҳолиси, жумладан, мактаб ёшидаги болалар сони ўсиб бораётгани уларга нисбатан мактаблар сонининг камлиги туфайли баъзи ўқувчилар ўқишга бориш учун узоқ йўл босишига тўғри келмоқда. Бу эса табиийки, болалар ва ўсмир-

ларнинг ортиқча вақти ва кучи кетиши баробарида ота-оналар учун ҳам ноқулайликлар туғдирмоқда. Шу сабабли депутат тумандаги 4-, 5- ҳамда 51-умумий ўрта таълим мактабларининг мавжуд иншоотларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, бўш ер майдонлари мавжудлигини инobatта олиб қўшимча бинолар ҳамда янги мактаб қуришни давлат дастурига киритиш таклифини билдирди. Шунингдек, учрашувлар чоғида тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини яхшилаш юзасидан ҳам муурожаатлар бўлди. Жумладан, Шохимардон қишлоғида “Тараққиёт” оилавий шифокорлик пунктини қайта қуриш ва жиҳозлаш ишлари аллақачон якунига етгани, бироқ, фойдаланишга топширилмаётгани билдирилди. Депутатнинг саяй-ҳаракати билан мазкур янги поликлиника ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Саломатлик ҳақида гап кетар экан, бу масала ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди. Халқ демократик партиясининг дастурида тиббий хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилган. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклаш уларнинг турмуш тарзи яхшиланишига ёрдам беради. Шу боис депутатлар бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Хусусан, Одилжон Иминов Сурхондарё вилоятидаги қатор ижтимоий соҳа объектларида бўлиб, у ердаги шароитлар билан

танишганида ногиронлиги бор болалар соғлиғини тиклашда айрим қийинчиликлар юзага келаётгани аниқланди. Масалан, Қўмқўрғон туманида жойлашган ногиронлиги бўлган болалар “Мурувват” уйида тиббий хизматлар сифати етарли даражада эмас. Беморларни дори-дармон билан таъминлашда мунтазам ўзилишлар бор. Натижада ногиронлиги бўлган болаларга дори воситалари ўз вақтида берилмаётганлиги юзасидан ўринли муурожаатлар бўлган. Мазкур масала ўша жойнинг ўзида тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида батафсил муҳокама қилиниб, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларнинг амалиётга жорий этилиши атрофлича таҳлил қилинди. Аниқланишича, мазкур ҳолат дори воситалари биржа савдолари орқали харид қилинаётганлиги оқибатида юзага келмоқда. Унга ечим топиш учун эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларининг мазкур масала бўйича эшитувини ўтказиш ва қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиладиган бўлди.

Қизилгул Қосимова Тошкент вилояти ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази, Оҳангарон шаҳар политехникуми, Оҳангарон-Қорақўл мактаб интернати ва ногиронлиги бўлган шахслар учун “Мурувват” эркаклар интернат уйи, кўп қаватли аҳоли турар жойларида бўлиб, қилинган ишлар, мавжуд муаммоларни ўрганди. Масалан, Ангрен шаҳрининг “Янгиобод” шаҳарчасига табиий газ қувурлари ўрнатилмаган. Кўп қаватли уйларда марказий иситиш тизими 2008 йилдан бери ишламаслиги сабабли куз-қишки мавсумда хонадон эгалари уйларини иситишда фақат электрдан фойдаланади. Электр энергиясига қўйилган лимит эса ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига молиявий қийинчиликлар туғдирмоқда. Фуқароларнинг мазкур муурожаати депутат томонидан чуқур ўрганилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон “Электр энергиясини истеъмол қилиш қоидалари” тўғрисидаги қарорининг 1-иловасига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Зокиржон Зоҳидов Риштон тумани Носгар МФЙ да жойлашган "Мубина" гишт

заводида партия электорати вакиллари билан мулоқот қилди. Депутат иштирокида ечимини кутаётган турли масалалар ўрганилиб, аксарияти ўша жойнинг ўзида ҳал қилинди. Масалан, ишсиз бир неча фуқаронинг бандилиги таъминланди. Риштон туманидаги Халқ қабулхонасида эса депутат асосан ногиронлиги бўлган шахслар билан суҳбатлашди. Муурожаатлар юзасидан ташкилот раҳбарларига вазифалар юклатилди.

Иба Наризова Навоий вилояти Кони-мех туманидаги “Янги Ғазғон” ва “Учтепа” маҳаллалари, туман марказидан 270 км узоқликда жойлашган овулларда бўлиб, сайловчилар билан дилдан мулоқотлар қилди. Ўзбекистоннинг Қизилқум ўғларидидаги “Шўрадошлар” оиласига мансуб, “Қизил китоб”га киритилган саксовул буталари ҳолати, ноқулай табиат шароитига мослашган ва узоқ вақт сувсиз яшай оладиган “чўл кемаси” номини олган туяларнинг парвариши билан танишди. Фуқароларнинг ҳудуд иқлимини яхшилаш, “Яшил энергетика” билан боғлиқ саволларига батафсил жавоблар қайтарди. Хусусан, “Кўёшли хонадон” дастурига тўхталиб, хонадонига қуёш панели ўрнатган жами 6 минг 536 нафар фуқарога давлатга сотган 10 млн 563 минг 890 кВтт соат электр энергияси учун октябрь ойида 10 млрд 563 млн сўм тўлаб берилганини таъкидлади.

Шу йўсинда бир неча кун давомида ўтган учрашув, мулоқот ва ўрганишларда турли муаммолар аниқланди ва уларнинг ечими юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, қабул қилинган қонунларнинг қандай ишлаётгани, яна қандай янги қонун ва ҳуқуқий меъёрларга эҳтиёж сезилаётгани аниқланди. Энг муҳими, фуқароларимиз нафақат шахсий муаммолари балки, қонунчиликка, ислохотларнинг самарадорлигини янада оширишга оид ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдиришмоқда. Бу эса уларда юрт тараққиётига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганини кўрсатади.

Хуршидабону НАЗАРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ТАШАББУС

БОЛАЛАР ДЕПОЗИТИ — КАФОЛАТЛИ КЕЛАЖАК

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси янги қонун ташаббуси билан чиқмоқда

Юртимизда азалдан оила ва бола қадри жуда баланд бўлган. Давлатимиз сиёсатида ҳам ушбу устуворлик ифода этилади. Айниқса, охириги йилларда болалар соғлиғини сақлаш, баркамол авлодни шакллантириш, фарзандларимиз учун муносиб ҳаёт ва кафолатланган келажак яратиш йўлидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг фаоллари ҳам бу борада фаол иштирокчи бўлишни мақсад қилган. Шундан келиб чиқиб, қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари, партия-мизнинг Жўқорғи Кенгесдаги фракцияси аъзоси Рустам Сапарбаев барча янги туғилган болалар учун депозит очиш бўйича лойиҳа концепциясини ишлаб чиқди. Аввалроқ Жўқорғи Кенгесдаги фракция йиғилишида кўриб чиқилган масала, ўтган ҳафтада партия Марказий Кенгашида муҳокама қилинди.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши раҳбарияти, ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари масъуллари иштирок этди.

Қайд этилдики, оилада фарзанд дунёга келиши ота-оналар учун масъулият даражасининг ошиши демакдир. Чунки болани тарбиялаш ва вояга етказиш учун қўшимча молиявий харажатларга эҳтиёж сезилади. Шу боисдан ҳам янги туғилган болани тарбиялашда ота-оналарни қўллаб-қувватлаш чораларини қучайтириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, қўшимча имкониятлар яратиш ва уларни болаларга узоқ муддатли сармоя киритишга янада фаол жалб қилишни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни

излаш керак.

Бундай қўллаб-қувватлаш вариантларидан бири сифатида эса барча янги туғилган болалар учун “болалар депозити”ни очишни жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Бу орқали бола вояга етганида шахс сифатида шаклланиши, иқтидорини ривожлантириши учун эркин молиявий ресурсларга эга бўлиши таъминланади. Яъни, барча янги туғилган болалар учун депозит очиш, уни ота-оналар, васийлар ёки бошқа ҳомийлар томонидан қонун асосида босқичма-босқич тўлдириб бориш илгари сурилмоқда.

Ташаббускорга кўра, янги туғилган болага ҳисоб рақамининг очилиши у вояга етган вақтда мустақил иш бошлаши, илмий изланишлар олиб бориши, умуман, мақсадларини амалга оширишини кафолатловчи омил вазифасини бажаради.

Шунингдек, аҳолида узоқ муддатли инвестицион тафаккурни босқичма-босқич шакллантиради. Бу эса давлатдан ёрдам маблағларини талаб қилиш ва ижтимоий ёрдамга қарамлик ҳиссини камайтиради. Ўз навбатида, аҳолининг жамғармаларини янада инвестициялаш ва капитални ўстириш ҳисобидан уни кўпайтиришга мойиллик ортади. Муҳими, босқичма-босқич амалга ошириладиган ўзгаришлар “ўлик пул” кўринишидаги жамғармалар ҳажмини қисқартиришга хизмат қилади.

Сир эмаски, Ўзбекистон туғилиш даражаси юқори ва ўсиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Бу эса давлатга мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш соҳасини таъминлаш бўйича мажбуриятларидан ташқари, янги туғилган чақалоқлар таъминоти учун ижтимоий харажатлар кўринишидаги қўшимча юк юклайди.

Лойиҳага кўра, “болалар депозити” орқали келгусида вояга етган меҳнатга лаёқат-



ли болаларнинг ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиши билан боғлиқ конституциявий мажбуриятларини бажариш имконияти ҳам яратилади. Мамлакатнинг “ижтимоий давлат” сифатидаги имижаси ўсади. Бундан ташқари, узоқ муддатда давлатнинг қўшимча бюджет харажатлари кўринишидаги ижтимоий юки камайд.

“Болалар депозити”нинг эгаси 18 ёшга тўлгандан сўнг таълим олишни давом эттириш, уй-жой ва маиший масалаларни ҳал қилиш, тўпланган маблағларни кейинчалик инвестиция қилиш ёки улардан бошқа шахсий қонуний мақсадлар учун фойдаланиш каби эҳтиёжлари учун бўш молиявий ресурсларга эга бўлади.

Йиғилишда иштирокчилар лойиҳа бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таклифлари ҳамда бир қатор саволлар билан лойиҳа ташаббускорига муурожаат қилинди.

Жумладан, бола 18 ёшга тўлгунга қадар бошқа мамлакатга кўчиб кетса ёки ҳаётдан кўз юмса, депозитдаги маблағларнинг тақдирини нима бўлишига оид савол берилди.

Таъкидландики, 18 ёшга

“БОЛАЛАР ДЕПОЗИТИ”НИНГ ЭГАСИ 18 ЁШГА ТЎЛГАНДАН СЎНГ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, УЙ-ЖОЙ ВА МАИШИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, ТЎПЛАНГАН МАБЛАҒЛАРНИ КЕЙИНЧАЛИК ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЛИШ ЁКИ УЛАРДАН БОШҚА ШАХСИЙ ҚОНУНИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН ФОЙДАЛАНИШ КАБИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН БЎШ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРГА ЭГА БЎЛАДИ.

тўлгунга қадар боланинг фуқаролиги ўзгарса, депозит тўхтатилади. Ота-оналар фуқароликни ўзгартариш ҳолатида тўпланган маблағларни олиш ҳуқуқига эга. Бола кутилмаганда вафот этган тақдирда ҳам айнаи ҳуқуқ кафолатланади. Ёхуд ота-онанинг хоҳишига кўра, тўпланган маблағлар суммаси бошқа вояга етмаган боланинг “болалар депозити”га ўтказилиши ҳам мумкин.

Иштирокчилар тақлиф этилаётган лойиҳа ота-оналарга қандай имтиёз бериши билан қизиқди. Уларнинг фикрича, янги фарзанд туғилган оилада харажатлар ортади ва ҳаммада ҳам депозит қўйиш имконияти бўлавермайди. Шунинг учун ота-оналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид масалалар ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Қайд этилишича, лойиҳада бу жиҳатлар ҳам инobatта олинган. Жумладан, ота-она ёки васийларнинг иш ҳақи ҳамда даромадларидан олинadиган солиқнинг олтидан бир қисмини ўзи ёки васийликка олинган болага очилган “болалар депозити”ни тўлдиришга йўналтириш тақлиф этилган. Бунда болалар сонига қараб, йўналтириладиган бадал улар

ўртасида тенг тақсимланади.

Бундан ташқари, “болалар депозити”ни тўлдиришга йўналтирилган иш ҳақи ва даромадларнинг бир қисмини солиқдан озод қилиш мумкин.

Яна бир жиҳати, ота-оналар ёки васийларга солиқ солинмайдиган маблағлар ҳисобидан депозитга пул ўтказиш ҳолати билан боғлиқ. Ташаббускор бундай вазиятда “болалар депозити”га киритилган сумманинг 1 фоизи миқдорида кешбэк тизимини қўллаш амалиётини жорий этиш керак, деб ҳисоблайди.

Иштирокчилар бундай ҳолатда давлат бюджетига тушумлар камайиб кетиши хавфи бор-йўқлиги ва бу масала қай даражада ўрганилгани билан қизиқди.

Сапарбаевнинг таъкидлашича, солиқ учун ушлаб қолинаётган сумма ҳам, депозитга йўналтириладиган кичик фоизлар ҳам ишлайди, яъни, ҳаракатда бўлади. Аҳолининг уйидаги, “ўлик пул”лар миқдори камайд. Одамларга пул бериш эмас, пул топишни, пул билан тўғри муомала қилишни ўргатиш орқали ҳаракатдаги маблағлар ҳажминини ошириш имкони юзага келади. Банклардаги пуллар ўз навбатида соғлом рақобат, тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳисса қўшади.

Муҳокамалар давомида яна бир қанча саволлар, тақлифлар билдирилди. Шунингдек, лойиҳанинг мазмун-моҳияти, уни татбиқ этишдан кутилаётган натижалар ҳақида атрофлича таҳлилий маълумотлар берилди.

Иштирокчилар партия дастурий ғоялари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтди. Билдирилган тақлифлар эса ёзиб олиниб, лойиҳани такомиллаштиришда фойдаланиладиган бўлди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Улуғ мутафаккир, шеърят мўлкининг сўлтони
Алишер Навоий павалудининг 584 йиллигига



Танланган буюк инсонлар тарихнинг туб бурилиш нуқталарида, халқнинг ўзлигини англаган, руҳан юксалтирувчи бадий сўзга кучли эҳтиёж туғилган пайтда дунёга келади. Алишер Навоий худди ана шу даврда яшаган. Адибнинг ҳаёти ва ижодига назар ташланса, унинг фаолияти намуна мактаби, ижодида эса нафақат бир халқ, бир миллат ахлоқи, таълим-тарбияси, балки инсоният ва башариятга хизмат қилувчи ғоя, асослар бор. Алишер Навоий биргина ўзбек халқининг эмас, туркий халқларнинг, башариятнинг шоири сифатида тарихдан муносиб жой олган. Буюк алломанинг тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби, улуғ бир дин вакили сифатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлардан хабардоримиз. Лекин буларнинг ҳеч бири Навоийнинг буюк шоирлигидан, мутафаккирлигидан олдинда эмас.

Алишер Навоий инсоннинг ўзлигини таниши орқали ноқислик, тубанликларга қарши курашиб, инсоний фазилатларга эга бўлиши, агар одам ўзлигини топмаса, ҳеч ким унга ёрдам беролмаслигини аниқ ва лўнда қилиб:

**Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзингдин истагил, –**

деб ёзган. Шоир одам вужуди тафаккур билан сайқал топиб, унинг истакларининг барчаси ўз саъй-ҳаракатида мужассамлигини англатишга уринган. Шунингдек, нафс кутқусида манманлик, кибр, риёкорликка берилишни ноқислик деб атайди. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги:

**Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол...**

деган сўзлари комиллик ҳақидаги ўзига хос талқиндир.

Бу дostonда Худхуд нафсга берилиб, нафсоний тубанликлар ичида яшаётган худпараст бир кушга шундай дейди:

**Нафс онча кўнглунга солур ғурур,
Еткурур онча замирингга футур.**

**Ким, они шайтон кўруб, ҳайрон қолур,
Водийи ҳайратда саргардон қолур.**

Мутафаккир шоир нафс билан курашиш орқали ёмон хулқ ва одатларни тарк қилиш, мунофиқлик, бойлик, очкўзлик каби иллатларга қарши туриш мумкинлигини, руҳоний юксаликка интилганлар ҳаёти янги босқичга кўтарилишини таъкидлайди.

Навоий ижодиётининг асосий ғояларидан бири ҳаётни, тириклик ва дунёни ўзида мужассамлаштирган ишқ мавзуидир. Мутафаккир шоир ишқ деганда фақат севиш-севилишни эмас, балки маърифатда етуклик, маънавий-руҳий ҳаётда комилликни ҳам назарда тутган. Бу ишқнинг бир қаноти мажоз, иккинчиси – ҳақиқатдир. Бу ишқда гарчи ҳижрон, айрилиқ, азоб-уқубат, ҳасрат устунлик қилса ҳам, унинг асл моҳиятини нафс ва ўткинчи туйғулардан юксакда деб билган:

**Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.**

Икки жаҳон ишқ билан маъноли эканлигини таъкидлайди.

Шоир “Лайли ва Мажнун” достонида ишқнинг аҳамиятини шундай таърифлайди:

**Эй ишқ, ғариб кимёсен,
Бал ойнаи жаҳоннамосен.
Ҳам зотингга дарж кимёлик,
Ҳам ойнаи жаҳоннамолик...**

“Хамса”нинг бошқа дostonларига нисбатан “Лайли ва Мажнун”да Навоийнинг шахсияти, унинг дунёқараши хусусиятлари кўпроқ аксини топган.

Бугунги ҳаётдаги ахлоқий-маънавий муаммоларни ҳал қилишда Алишер Навоийнинг ижоди бизни нафс офати, таъмағирлик ва коррупция каби иллатлардан огоҳлантиради:

**Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.**

Шунингдек, шоир дунё халқлари, инсониятни бирлашишга чорлаб:


**Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш, –**

деб ёзганида фақат бир миллатни эмас, олам халқини яқдил бўлишга ундаган. Ҳозирги таҳликали дунёмиз ҳақида Навоий олти аср аввал, ўз даврдан туриб қайғурган!

Сўз санъаткори, мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодининг ортида Миллат ва Ватан бирлашади. Унинг қисқа умри ва ёзиб қолдирган мероси бугунга қадар асрлар оша эскирмас, тўзимас ҳаёт, ҳар бир давр учун муҳим, долзарбдир. Инсоният бор экан, Навоий ижодиёти ҳаётий, маънавий, ахлоқий зиё манбаи бўлиб қолаверади.

Маълумот ўрнида яна шуни айтишни истардимки, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Алишер Навоий ва ХХI аср” халқаро илмий конференция бу йил Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Дастлабки етти анжуман Ўзбекистонда ўтказилган бўлса, кейинчалик у том маънода халқаро аҳамият касб этди. 2023 йилда конференция Озарбайжонда, 2024 йилда эса Туркияда бўлиб ўтган эди. Жорий йилда ушбу тадбир Қозоғистоннинг Ж.Ташенов номидаги университетда ташкил этилди ва дунёнинг турли давлатларидан олимлар, турколоғлар, адабиётшунослар ҳамда ёш тадқиқотчиларни бир



**СЎЗ САНЪАТКОРИ,
МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР
НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ
ОРТИДА МИЛЛАТ ВА ВАТАН
БИРЛАШАДИ. УНИНГ ҚИСҚА
УМРИ ВА ЁЗИБ ҚОЛДИРГАН
МЕРОСИ БУГУНГА ҚАДАР
АСРЛАР ОША ЭСКИРМАС,
ТЎЗИМАС ҲАЁТ, ҲАР
БИР ДАВР УЧУН МУҲИМ,
ДОЛЗАРБДИР. ИНСОНИЯТ
БОР ЭКАН, НАВОЙИ
ИЖОДИЁТИ ҲАЁТИЙ,
МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ
ЗИЁ МАНБАИ БЎЛИБ
ҚОЛАВЕРАДИ.**



жойга тўплади.


Конференциянинг асосий мақсади буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда унинг меросини замонавий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этишдан иборат. Тадбир давомида Навоий ижодининг жаҳон маданиятидаги ўрни, матншунослик ва таржимашунослик масалалари, шунингдек, унинг асарларини замонавий таълим тизимида ўқитиш каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди.

Анжуманда Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Эрон каби давлатлардан таниқли олимлар иштирок этди. Улар ўз маърузаларида Навоийнинг адабий, фалсафий ва илмий мероси нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий дунё ва жаҳон маданияти учун ноёб манба эканлигини таъкидлашди.

Конференция доирасида академик Шухрат Сирожидинов қаламига мансуб “Амир Алишер” китобининг қозоқ тилига қилинган таржимаси тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу муҳташам асарни Ж.Ташенов номидаги университет олимаси Ш.Наралиева қозоқ тилига ўгирди. Мазкур асар Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва тарихий шахс сифатидаги улғворлигини акс эттирувчи чуқур илмий-биографик тадқиқот бўлиб, уни қозоқ тилида чоп этиш нафақат қозоқ китобхонлари, балки туркий халқларнинг адабий мероси билан қизиқувчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Конференция доирасида Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янги илмий лойиҳаларни амалга оширишга доир келишувларга эришилди. Тадбир якунида илмфан ривожига қўшган ҳиссаси учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Алишер Навоий медаллари ва фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

**Гулбаҳор АШУРОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети Фузулий
номидаги илмий-тадқиқот маркази раҳбари,
филология фанлари доктори**



Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур
таваллудинини 542 йиллиги

ИШЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛИШИ КЕРАК, ВАҚТИДА БАЖАРИЛМАГАН ИШ СУСТ БЎЛАДИ



**ЖАҲОН ТАРИХИДА ЎЧМАС
ИЗ ҚОЛДИРГАН БЕТАКРОР
СИЙМОЛАРДАН БИРИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР БУЮК ШОИР,
ҚОМУСИЙ ОЛИМ, ДАВЛАТ
АРБОБИ ВА МОҲИР САРКАРДА
СИФАТИДА БУТУН ДУНЁДА
МАЪЛУМ ВА МАШҲУРДИР.
УНИНГ БЕҚИЁС ИЛМИЙ-
ИЖОДИЙ МЕРОСИ НАФАҚАТ
МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ
ВА ХАЛҚИМИЗ АДАБИЙ-
ЭСТЕТИК ТАФАККУРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА, БАЛКИ
ЖАҲОН АДАБИЁТИ, ИЛМ-
ФАНИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИДА АЛОҲИДА ЎРИНГА
ЭГА.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур кенг дунёқараши ва комил ақл-заковати билан маърифатпарвар давлат арбоби сифатида ном қозонган бўлса, “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавислари қаторидан ҳам жой олган. Унинг нафис ғазал ва рубойилари туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналаридан саналади. “Мубаййин”, “Ҳарб иши”, “Хатти Бобурий” асарлари ва “Аруз” рисоласи ислом қонуншунослиги, ҳарб санъати, нафис санъат, шеърият ва тил назарияси соҳалари ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умрининг ўзи авлодларга ибрат намунасидир. У 47 ёшли қисқа, аммо ижоди баракали, баркамол ҳаётида юз йил яшаб ҳам уddалаб бўлмайдиган ишларни адо этди. Бобур ўз даврининг шоҳ ва шоирлигидан ташқари, улкан тарихчи, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ, диншунос олими сифатида ҳам доврўғ топган. Давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига қулай тарзда тартиб берган ва яна қанчадан қанча ислохотларни амалга оширган. Борган ерида ободончилик, боғ-роғ барпо этган, Морвароуннахр цивилизациясини Шарқда тарқатган буюк шахсдир.

Қисқа вақт ичида Бобур Мирзо Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур Мирзо ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврининг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди.

Бобурнинг бош мақсади бобоси Амир Темур салтанатини қайта тиклаш ва бошқариш эдики, бу йўлда у барча ўзга ният, интилишлари баҳридан ўтиб, астойдил ҳаракат қилди ва муҳим натижаларга эришди ҳам. Энг яқин

қариндошларининг фитна-ю хиёнатларини кечирди, душманлари билан сулҳ тузишни маъқул кўрди, Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдий жангда маҳв этилгач, унинг онаси Буъага кўп мурувватлар кўрсатиб, саройидан жой берди. Шоҳ Бобур бу каби тадбирларини салтанат яхлитлигини асрашда муҳим дипломатик йўл, деб билди.

Бобур Ватан туйғуси инсон кўнглига равшанлик бериб турувчи ноёб мўъжизалигини, ундан айри тушган инсон тақдири “хазон япроғи янглиг” фожиа эканлигини кечмиш воқеаларини баён қилиш орқали ифодалашга эришган. У ҳаёт мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар экан, ҳикматомуз ҳулосаларни баён этади.

“Бобурнома”да муаллиф нафақат ўз ҳаёти, балки атрофдаги одамлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. У ўз давридаги шоҳлар, саркардалар, шоирлар ва бошқа муҳим шахслар ҳақида фикр юритади. Зотан, Бобур қайси ота ва оғадан қандай яхшилик ва ёмонлик кўрган бўлса ҳаммасини ёзади. Қариндош ва бегонада ҳатто, ўзида ҳар қандай айб ва фазилатлар содир бўлган бўлса, ҳаммасини рўй-рост баён этади. Чунки Бобур мард, жасур ва жуда олижаноб инсон эди, бошқалардан ҳам шундай фазилатлар эгаси бўлишни талаб қилар эди. Бобур Шайбонийхоннинг катта ҳарбий салоҳиятга эга, айёр ва тадбирли подшо эканлигини ҳам тан олар эди. Шунинг учун у билан курашиш учун фақат бирлашиш кераклигини ҳис қилар эди. Шу билан бирга Шайбонийхоннинг ўз тарафдорларига нисбатан қилаётган ишлари Бобур Мирзонинг дилини хира қилар, унга руҳий зарба берарди. Шундай кирдикорларидан бири Самарқанднинг улўғларидан бўлган, Бобурга хайрихоҳ Хожа Яҳёнинг ўлими билан боғлиқ эди. Шайбонийхоннинг Хожа Яҳёга аввал кетишга рухсат бериб, кейин ортидан одам юбориб ўлдиртиргани Бобурга жуда қаттиқ таъсир қилади. Яна “Қанбарбийлар қилибди бу ишни”, – дея эълон қилдиргач, қаттиқ таассуф билан “Узраш батар аз гуноҳ” – узри гуноҳи-

**БОБУРНИНГ БОШ МАҚСАДИ
БОБОСИ АМИР ТЕМУР
САЛТАНАТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА
БОШҚАРИШ ЭДИКИ, БУ ЙЎЛДА У
БАРЧА ЎЗГА НИЯТ, ИНТИЛИШЛАРИ
БАҲРИДАН ЎТИБ, АСТОЙДИЛ
ҲАРАКАТ ҚИЛДИ ВА МУҲИМ
НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИ ҲАМ.**


дан ёмонроқ, дейди. Бу билан шу айбни қилганини барча билиб турибди, яна уни бошқа бировга юклаб икки қарра гуноҳ қилди, демоқчи бўлади.

**Ҳарчи дар оина жавон бинад,
Пир дар хишти пухта он бинад**
афоризми “Бобурнома”даги гўзал ва ибратли афоризмлардан бири. У “ёш киши ойнага қараб нимани кўрса, кекса одам ғиштга қараб унданам

яхшироқ кўра олади”, деган маънони билдиради. Шайбонийхон қадам-бақадам таъкиб қилиб келаётганда Бобур хизматидаги кекса беклардан Қосимбек бошқа жойга кўчиш тадбирини қўллаб, Кобулда муқаррар фалокатнинг олдини олади. Бу воқеадан таъсирланган Бобур шу афоризм орқали бекнинг хизматидан мамнунлигини ифодалайди. Ўз навбатида, бу ерда кекса кишиларга хос тажриба, тадбирлилик таъкидлаб кўрсатилмоқда.

Бобур ҳам ҳар қандай вазиятда, ҳатто уруш-талошлар авж олиб турганида ҳам адолат мезонини қаттиқ тутган. Қундуз шаҳри атрофида Хисравшоҳнинг аскарлари анча бетартибликка, зулм ва зўравонликка ўрганган эдилар. Улар Бобурга қўшилганидан кейин ҳам бу одатларини ташламайди. Бир навкар “бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгон учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар”, – деб таъкидлайди Бобурнинг ўзи.

**Чопғой, талағай, мутӣу мунқод
этғай** байтида Бобурнинг давлатчиликка оид қарашлари ўз ифодасини топган. Бобур қаерга юриш қилмасин, аввало, келишув йўлини тақлиф қилган: “Раиятликқа бўюн қўйғон раиятлик бўлғай”, яъни ким бўйсунса, яхши



муносабатда бўлинади, омон қолади, ким бўйсунмаса, боши олинади, эли таланади”. Мана шу сиёсати орқали кўпгина шаҳар-у қўрғонларга тегилмаган, аҳолиси зиён кўрмаган. Бошқа подшоҳларнинг сиёсатига эътибор берсак, шундай ваъда бериб, қўрғонни олганидан сўнг барчани қатли ом қилганининг ёки халқни талаганлигининг

гувоҳи бўламиз, Бобур бундай пасткашликни ўзиям қилмаган, аскарларигаям қилдирмаган.

Бобур нафақат ўзига, балки бошқа бир инсонга қилинган хиёнатни ҳам қаттиқ қоралаган, масалан, Бобурга хиёнат қилиб аввал Аҳмад Танбалга, кейинчалик Шайбонийхонга хизмат қилган Муҳаммад Дўст отли бекнинг Шайбонийхонга ҳам кўрнамаклик қилиб қочганда, тутиб кўзларини кўр

қилишгани воқеасини эслаб, фикрини кўзларини туз тутти матали билан ҳулосалайди.

Бобур вақтни жуда қадрлайдиган, ҳар ишнинг ўз ўрнида бўлишини ҳушловчи шахс бўлган. У умрини ўткинчи ҳою-ҳавасларга, айш-у ишратларга сарфлашни ёқтирмаган. Аммо доим ҳам у айтганидай бўлавермагани, чангалида турган душманга вақтида ҳужум қилмаганидан афсусланиб, “Қопу-дағини қопмаса, қаригунча қайғурур” (эшиги олдида келганини қопмаса (жазоламаса), қаригунча афсусланади) мақолини келтиради. Бу билан ҳам чекланмай, ўқинчини ана бошқа афоризм билан ифодалайди:

**Қорҳоро бавақт бояд шуд,
Кори бевақт суст бошад, суст.**
(Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади). Бу байт ҳозирги “Ҳар ишнинг мавриди – ўз вақти” мақолига тенг келади. Бобурнинг ўлим билан юзлашган пайти, Аҳмад Танбалнинг таъкибига учраган, ҳеч кимсиз, ғанимнинг икки маккор навқарига ишонишдан ўзга чораси қолмаган бир пайтда у

**Агар сад солмони ва-р яке рўз
Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз.**

(Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур) афоризмининг келтиради. Ўша пайтда “Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш” деб ўз ҳолатини ифодалайди. Бу пайтда Бобур ҳаётининг сўнгги кунларини кечираётганлигига ишончи қомил эди, кейинги ҳолатда эса у ўлим ўзига қай даражада яқинлигини билмасди.

Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини мақоли Бобурнинг Иброҳим Лудийнинг онаси малика Буъа томонидан заҳарланиши воқеаси тасвирида берилади. Шу ўринда Бобур жон мундоғ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, – деб кўнглидан кечганини рўй-рост айтади. Ёки “Агар тиги олам бижунбад зи жой, Набуррад раге то нахоҳад Худой” – агар олам тиги жойидан кўзголса, худо хоҳламаса, бир томирни ҳам қирқолмайди афоризми Бобур Мирзонинг навбатдаги ўлимдан омон қолганлиги муносабати билан келган ҳулосасидир.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Бобур табиатида тантилик, олижаноблик, кечиримлилиқ, маънавий қарашларида яхшилик, инсонпарварлик, Ватан туйғуси, ҳар қандай ҳолатда ҳам одамийликни сақлаш салмоқли ўрин тутади. Унинг бу ғоялари бугунги кунда ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий истиқлол ғоялари ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлиб қолади.

“Бобурнома”да Бобурнинг ҳис-туйғуларга бой қалби кўз олдимизда ёрқин жонланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур фақат бой ижодий мероси, содда ва самимий шеърияти билангина эмас, ўзининг юксак маънавияти, улўғ фазилатлатлари билан ҳам бизни ўзига мафтун этади. Бобур шоҳ сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам тақрорланмас шахсдир. У ўз фаолияти, ҳаёт йўли билан одамзоднинг сабр-тоқатига ҳайкал қўйган жасоратли инсондир. Бобур юксак инсоний ғоялари, амаллари сабаб ватандан йироқда кечган машаққатли қисматдан ғолиб келди. Шоҳ сифатида буюк империя тузди, ижодкор сифатида ўзининг нодир салоҳиятини намойиш эта олди ва ҳақли равишда дунё цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшди.

**Дилафруз МУҲАММАДИЕВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти**



СОЯДАГИ ИҚТИСОДИЁТ

ЁХУД “КОНВЕРТ”ДАГИ ОЙЛИКНИНГ ЖАМИЯТГА ЗАРАРИ ҲАҚИДА

ТАСАВВУР ҚИЛИНГ, СИЗ ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИДА НОРАСМИЙ ТАРТИБДА ҚУРУВЧИ СИФАТИДА ИШ БОШЛАДИНГИЗ. ШАҲАРДА НИМА КЎП, ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР КЎП. ИШ БЕРУВЧИ СИЗ БИЛАН ФАҚАТ ОҒЗАКИ ТАРЗДА ИШ ҲАҚИНИ КЕЛИШДИ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИСИЗ. ЁТОҚ-ЖОЙ ҲАМ ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА, ЯЪНИ, ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ-ЖОЙ БИНОСИДА. БИР-ИККИ ОЙ ВАҚТ ЎТИБ, СОВУҚДАН, МУЗДАЙ БЕТОНЛАРНИНГ ЗАХИДАН СОҒЛИГИНГИЗДА МУАММОЛАР ЧИҚИШНИ БОШЛАЙДИ... АФСУСКИ, СИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ ЧЕКЛАНГАН. АЙТМОҚЧИМИЗКИ, ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТДА ИШЛАЙДИГАН ИШЧИЛАР МИНИМАЛ ҲУҚУҚЛАРДАН ҚУРУҚ ҚОЛАДИ. ДУНЁНИНГ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ МАВЖУД. БУ МУАММО ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҲАМ ДОЛЗАРБДИР.

Яширин иқтисодиётнинг моҳиятига эътибор қаратсак, бу иқтисодий фаолиятни жамиятдан яшириш дегани. Яъни, бунда давлат томонидан назорат ҳамда ҳисобот юритилмайди, оддий тилда айтганда, иқтисодиётнинг бу қисми қоғозларда бўлмайди, шунинг учун буни кузатишнинг имкони йўқ. Қайсидир маънода ушбу иқтисодий алоқаларда жамиятдаги қонун ва қоидалар четлаб ўтилади.

Масалан, солиққа тортилмаслик ёки қонунчиликда белгиланган талабларга яъни, санитария-гигиена, сертификатлаш ва меҳнат шароитлари бўйича талаблар, кичик корхоналарда ходимлар сони бўйича белгиланган меъёрларга риоя қилмаслик мақсадида ҳисоботларда фаолият кўрсаткичлари тўлиқ ёки қисман яшириб кўрсатилади. Шунинг учун у ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича асосий вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари яна ноқонуний иқтисодий фаолият хусусида тўхталди ва Ўзбекистонда хуфёна фаолият юритиб, “конвертда” ойлик тўлаётган тадбиркорлар устидан назорат кучайтирилишини маълум қилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Тўғри, мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун пул-кредит, валюта айирбошлаш, солиқ ва бошқа соҳаларда қўлай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, иқтисодиётда яширин ишлаб чиқариш ҳамда айланмаларнинг сақланиб қолиши тадбиркорлик ривожига ва соғлом рақобатни таъминлашга тўсиқ бўлмоқда.

Яширин иқтисодиётнинг ўсиши кўпинча иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради, лекин у баъзи ҳолларда иқтисодиётдаги муаммоларни қисқа вақт ичида енгилга ёрдам беради. Бироқ унинг узок муддатли таъсири давлат ва жамият учун салбий бўлиши мумкин.

Масалан, айтилайки, яширин иқтисодиётда ишлаш кўп ҳолларда хавфли шароитлар, тўланмаган иш ҳақи ёки ижтимоий Ҳимоянинг йўқлиги билан боғлиқдир. Бу эса жамоат саломатлиги ва меҳнат муҳофазасига зарур еткази. Яна бир салбий жиҳати, яширин иқтисодиётнинг ривожланиши бозорни ноаниқ қилади. Бу инвестициялар ва бозорни ривожлантиришни қийинлаштиради. Чунки кўплаб фаолиятлар расмий ҳисоб-китобларга қирмайди.

Ўзбекистон иқтисодиётида яширин иқтисодиётнинг улуши қанча?

Мутахассисларнинг қанчалича, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмлари уй-жой ва транспорт воситаларининг иккиламчи бозори, норасмий савдо ва хизматлар, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларга тўғри келади. Шунингдек, контрабанда ва товарларнинг рухсатсиз айланиши ҳам ушбу жараён билан боғлиқ.

Статистика агентлигига кўра, ўтган йилда кузатиладиган (норасмий ва яширин) иқтисодиётнинг ялпи кўшилган қиймати ҳажми 505,6 трлн.сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,8 фоизни ташкил этган.

Шундан норасмий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 383,6 трлн.сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,4 фоизни, яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса 122,0 трлн.сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,4 фоизни ташкил этган.

Албатта, ушбу кўрсаткичлар яширин иқтисодиётни “гуллатишга” ҳисса қўшаётган “уддабурон тадбиркорлар”нинг ҳатти-ҳаракатлари натижасидир. Бу эса давлат иқтисодиётининг ўсишини секинлаштиради.

Таҳлилларга кўра, норасмий айланманинг энг юқори ҳажми савдо, умумий овқатланиш, автомобиль транспорти, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, жойлаштириш хизматларига тўғри келади.

Хўш, қайси омиллар яширин иқтисодиётга йўл очиб бермоқда?

Яширин иқтисодиёт бўйича таҳлилчиларнинг фикрлари кенг ва турлича. Чунки бу масала иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан анча мураккаб саналади. Баъзи таҳлилчилар яширин иқтисодиётни ижобий ёки салбий нуқтаи назардан баҳолашади.



Учун Ўроқов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори:

– Яширин иқтисодиёт нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки, аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, яъни, катта миқдорда қўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир.

Саволингизга тўхталадиган бўлсам, иқтисодчи олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий-сиёсий омилларнинг таъсир кўрсатиши қайд этилади.

Иқтисодий омиллар: солиқ юкининг юқорилиги, мамлакат молия тизимининг инқирози ва унинг иқтисодиётга салбий таъсири, нақд пулнинг назоратсиз айланиши, хусусийлаштириш жараёнининг номукамаллиги ва мамлакатда ҳалол рақобатнинг мавжуд эмаслиги. Бу каби омиллар ўз-ўзидан тадбиркорни сояда фаолият юритишга ундовчи ёки мажбурловчи таъсирга эга бўлади.

Ижтимоий омиллар эса: ишсизликнинг юқори даражаси, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, аҳоли ишсиз қисмининг ҳар қандай йўл билан даромад олишга интилиши ва ялпи ички маҳсулотнинг ижтимоий соҳаларда нотекис тақсимланиши орқали намоён бўлади. Бундан ташқари, жамиятда солиқ ижтимоий-иқтисодий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий-сиёсий омиллар эса: қонунчиликнинг номукамаллиги, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги муаммолар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг ноқонунли ва жиноий иқтисодий фаолиятга чек қўйиш борасидаги ваколатлари етарли эмаслиги, иқтисодий жиноятларга қарши курашни мувофиқлаштириш механизмининг мукамал эмаслиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги тўлиқ таъминланмаганлиги, айрим фаолиятларда қатъий лицензия талаблари, бюрократик тўсиқларнинг кўплиги, савдо ва меҳнат бозори қоидаларидаги чекловлардан иборат.

Ушбу омилларнинг босқичма-босқич бартараф этилиши ҳар қайси мамлакатда яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга, коррупцияни бартараф этишга ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хориж тадқиқотчилари иқтисодиётни бугунги кун-

да оммалашиб бораётган рақамли трансформациялар ёрдамида тараққий эттириш зарурлигини таъкидлаб келишади. Худди коррупцияни қисқартиришда рақамли технологияларнинг афзалликлари ва самаралилиги исботлангани каби, бу вазиятда ҳам замонавий усуллар ва жараёнлар яширин иқтисодиётнинг ривожланишига маълум даражада тўсиқлик қилиши мумкин.

Жамият ва давлатдан яшириладиган яширин иқтисодий фаолият ҳисоб ва солиқ солишдан ташқари бўлгани учун ҳам жамиятга, ҳам виждонли бизнесга зарар келтиради. Юқорида иқтисодчи хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабабларини тушунарли таҳлил қилиб берди. Келинг, энди яширин иқтисодиёт давлатга қандай таъсир қилишига тўхталамиз.

Аввало, бу давлат даромадларини сезиларли йўқотишларга олиб келади. Ушбу операциялардан келиб чиқиши керак бўлган солиқ ва йиғимлар йўқотилади, бу эса бюджетга салбий таъсир қилади. Шунингдек, яширин иқтисодиёт солиқ тизими ҳақида салбий тасаввур ҳосил қилади, чунки ҳалол солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини бажаришдан қочаётган бошқаларни кўриб, тенгсизлик ва адолатсизликни ҳис қилишади.

Бунинг яна бир таъсири, бунда кўпинча ижтимоий Ҳимоя ва меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари мавжуд эмас, бу эса ишчиларнинг эксплуатациясига ва кам иш ҳақига олиб келади.

Яширин иқтисодиёт туфайли таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва бошқа соҳаларга давлат камроқ маблағларни ажратади.

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиётнинг тарқалиши барқарор иқтисодий ўсиш имкониётларини чеклайди, чунки бу бюджет ва бозорда ноаниқлик ва беқарорликни келтириб чиқаради.

Айтиш керакки, ноқонуний фойда олишга ёки фойдани оширишга йўналтирилган ушбу ҳаракатларга қарши курашиш аслида осон жараён эмас. Унга қарши ниҳоятда эҳтиёт бўлиб курашиш керак. Яъни, иқтисодий фаолликка зарар етказиб ҳам бўлмайди.

Шунинг учун охириги йилларда мамлакатимизда бизнесга қўшимча қўлайликлар яратилмоқда, иқтисодиётда яширин иқтисодиёт улушини камайтириш чоралари кўрилмоқда.

Бу ҳақида бизга суҳбатдошимиз Учун Ўроқов қуйидагиларни гапириб берди:

– Мамлакатимизда ҳам яширин иқтисодиёт кўламини аниқлаш ва қисқартириш бўйича кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу долзарб масала доимий давлат раҳбарининг назоратида бўлиб турибди. Сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ўзида акс эттирган 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хуфёна иқтисодиётни қисқартиришга оид муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Ўтган йилнинг 16 январида Президент макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида яширин иқтисодиёт ҳақида алоҳида тўхталган. Давлат раҳбари эълон қилган маълумотларга кўра, хизматларда 140 триллион сўм, қурилишда 50 триллион сўм, саноатда 40 триллион сўм маҳсулот “сояда” қолмоқда. Агар улар жойида бўлса, бу орқали ялпи ички маҳсулотга 135 триллион сўм, давлат бюджетига эса 30 триллион сўм миқдориде тушум қилиш мумкин.

Масаланинг долзарб ва кечиктириб бўлмамлигини ҳисобга олиб, 2024 йил 18 январда давлат раҳбарининг “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармондан кўзланган асосий мақсад қонунга итоаткор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиётни репрессив йўл билан эмас, балки уларни рағбатлантириш механизмлари ва амалий кўмак бериш орқали кўламини камайти-

“

ТАҲЛИЛЛАРГА КўРА, НОРАСМИЙ АЙЛАНМАНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ҲАЖМИ САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ, УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА ТАЪМИРЛАШ, ЖОЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИГА Тўғри КЕЛАДИ.

ришдир. Қолаверса, жазолов чораларини қучайтиришдан воз кечган ҳолда инсофли тадбиркорни Ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омилларга барҳам бериш ҳисобланади.

Фармон билан яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб:

- **яширин иқтисодиёт кўламини кескин қисқартириш орқали мамлакатда соғлом рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантириш;**
- **яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли схемалари, хуфёна ишлаб чиқариш ва ноқонуний молиявий оқимларга барҳам бериш орқали иқтисодий барқарорликни ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш;**
- **иқтисодиётдаги хуфёна айланмаларга қарши курашувчи давлат органлари фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаш орқали масъулияти ва жавобгарлигини ошириш;**
- **кенг жамоатчиликда яширин иқтисодиётга мурасиизлик ҳиссини шакллантириш белгиланди.**

Ўтган давр мобайнида бизнесни легаллаштириш ва солиқ юкини пасайтириш эвазига яширин иқтисодиёт ҳажмини пасайтириш мақсадида бир неча солиқ ставкалари пасайтирилди. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш бизнесни соядан чиқариш омилларидан ҳисобланади. 2024 йил 1 мартдан 7 турдаги лицензиялар бекор қилиниб, 12 турдаги рухсат бериш тартиблари бирлаштирди. 3 хил фаолият тури бўйича лицензиялаш хабардор қилиш тартибига ўтказилди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам «Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш орқали солиқ базасини қўшимча кенгайтириш имкониятидан фойдаланиш масаласи белгиланган.

“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда эса асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш орқали даромадлар базасини кенгайтириш, солиқ, божхона ва бюджет сиёсатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш кўзда тутилган.

Юқоридаги фикрлардан ҳам хулоса қилиш мумкинки, яширин иқтисодиёт бозор шароитларини бузади, чунки ноқонуний операциялар солиқларни тўламасдан ёки стандартларга жавоб бермасдан расмий бизнес билан рақобатлаша олади. У пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмол жараёнлари бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки гуруҳ манфаатлари ётади.

Тадбиркорларимизнинг ривожланиши яхши, албатта. Аммо бу солиқлардан қочиш ва яширин даромад олишга интилиш орқали эмас.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

**ХАР БИР БОЛА БИР НЕЪМАТ,
УНИНГ КЎНГЛИ ҲАМ, ЎЗИ
ҲАМ ЖУДА НОЗИК. ХИС-
ТУЙҒУЛАРИ, СЕЗГИЛАРИ,
ҲАЁТГА ҚАРАШЛАРИ
ҲАМ ШУНГА МОНАНД.
АММО УЛАРНИНГ ИЧКИ
КЕЧИНМАЛАРИ НИҲОЯТДА
КАТТА. КЎЗИ БИЛАН КЎРГАН
ҲАР ҚАНДАЙ ҲОДИСА ОРҚАЛИ
ҲАЁТНИ ЎРГАНАДИ, РУҲИЙ
ОЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ.
ЭНДИ ТАСАВВУР ҚИЛИНГ,
МУАММОЛАР ҚАРШИСИДА
ҲАЛИ ОЖИЗ, НОҲАҚЛИКЛАРГА
ЖАВОБ ҚАЙТАРОЛМАЙДИГАН,
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ
БИЛМАЙДИГАН ЖАМИЯТНИНГ
КИЧКИНА ВА НОЗИК АЪЗОСИ
АТРОФДАГИЛАРНИНГ
ЗЎРАВОНЛИГИГА,
ШАФҚАТСИЗЛИГИГА ДУЧ
КЕЛСА НИМА БЎЛАДИ?**

Айтайлик, одатда мактабларда катта синф болалари кичик синфдаги ўқувчиларни ҳақорат қилади, камситади, уларнинг нарсаларини олиб қўяди. Болалар орасида бир-бирининг устидан ҳазиломуз камситишлар, яккалаш ҳолатлари кўп учрайди. Ортиқча вазн, ташқи кўринишнинг устидан кулиш, камчиликлар ва баъзи нуқсонлар – бу таъқиб ва таҳқирлашлар учун баҳонадир. Шу тариқа бора-бора у ёлғизликни туйди, иложсизликликдан чора излайди...

Ана шундай психологик жароҳатлар билан ўсаётган авлоднинг келажагига болаликдаги кечинмалари ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Яъни, унда норозилик кайфияти барқарор рефлекс сифатида шаклланади. Шу тариқа жамиятнинг энг ёмон одатлари чархпалакнинг челагидаги сув мисоли авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Болага нисбаттан муносабатнинг яна бир нозик томонларидан бири аслида шунда.

БОЛАЛАР ШАФҚАТСИЗЛИГИ ЁКИ БУЛЛИНГИ МУАММОЛАРИ

Болалар шафқатсизлиги айниқса, сўнгги йилларда дунё бўйлаб вирус каби тарқалмоқда. Бу жуда жиддий муаммо бўлиб, дунёнинг ҳар бир бурчагида болалар ва ўсмирлар бу муаммога дуч келишади. Ушбу масала айниқса, мактаб ва коллежларда, нисбатан озроқ – олий ўқув юртларида ҳам долзарбдир.

Хўш, буллинг нима ўзи? Чунки Ўзбекистонда «буллинг» атамаси нисбатан яқинда қўлланила бошланди. Мақоламизда ушбу мавзу бўйича мулоҳаза юритишдан аввал шунга қисқача тўхталамиз.

**Холида ЗИЯЕВА,
ЎзМУ ижтимоий фанлар
факультети доценти:**

– Буллинг — боланинг бошқа болага қасддан зарар етказишидир. Тўғри, буллинг азалдан мавжуд бўлган, аммо у шунчаки буллинг, таҳқирлаш каби сўзлар билан алмаштирилган. Ҳозир унинг бир қатор кўринишлари бор. Масалан, ҳозир кибербуллинг ҳолатларига ҳам дуч келяпмиз. Яъни ижтимоий тармоқлар, хабарлар ёки электрон почта орқали таъйиқ ўтказиш ҳолатлари ҳам кўп учраб турибди.

Буллинг «зўравонлик» ёки можаро эмас, балки бошқа шахснинг ҳуқуқларини мунтазам равишда суиистеъмор қилиш ва қийнашдир. Буллинг ҳаракатлар тизимли равишда, атайлаб тақрорланади ва руҳий тушунлиққа олиб келади.

Буллинг ҳар қандай жойда ва исталган вақтда содир бўлиши мумкин: кундалик ҳаётда, ёзишмаларда ёки ижтимоий тармоқларда. Буллингга энгил қарамаслик керак. Бугунги кунда, афсуски, баъзи мактабларда буллинг кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланди, аммо бундай бўлмаслиги керак. Буни тўхтатиш лозим.

Буллинг асосан бошқалар учун яширин жараён бўлиб, катталар буни камдан-кам кўришади. Буллинг жисмоний ёки психологик экани муҳим эмас. Зўравонликка учраган болалар турли даражадаги руҳий жароҳатларга дучор бўлишади, бу эса жиддий оқибатларга, жумладан, ўз жонига қасд қилишгача олиб келиши мумкин.

БУЛЛИНГНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ АСЛИДА ҚАНДАЙ?

Буллинг тушунчаси дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва зўравонлик ҳодисаси қуйидаги характерли хусусиятларга эга эканлиги қайд этилган:

- тажовузкор ҳаракатларнинг намоён бўлиши;
- тажовузкор ҳаракатлар узоқ муддатли характерга эга бўлиши;
- ҳаракатлар ўзини ҳимоя қила олмайдиган шахсга қаратилиши (кучнинг номутонасиблиги);
- буллинг ҳаракатлари онгли равишда амалга оширилади.

Буллинг ҳолатида энг хавотирли нарса шундаки, бу онгли зўравонлик, зўравон нима қилаётганини, нима учун қилаётганини ва оқибатлари қандай бўлиши, бу бошқа бир одамга қасддан оғриқ ва азоб бериши мумкинлигини яхши билиди.

Унинг қуйидаги турлари мавжуд:
Оғзаки — бу масҳара қилиш, таҳаллуслар бериш, чексиз шарҳлар ва баҳолашлар, бошқа болалар олдида камситиш ва бошқалар;
Қасддан ижтимоий изоляция — бойкот қилиш, рад этиш, жабрланувчи билан мулоқот қилишдан бош тортиш (улар бола билан ўйнаш ёки ўқишни рад этадилар, у



БУЛЛИНГ

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИГИНИНГ САБАБИ НИМАДА?

билан бир столда ўтиришни хоҳламайдилар, уни туғилган кунларга тақлиф қилмайдилар ва ҳоказо);

Жисмоний зўравонлик — калтаклаш, уриш, шапалоқ тортиш, гарданига мушт тушириш, нарсаларини бузиш, олиб қўйиш ва ҳоказо.

ХЎШ, БУЛЛИНГНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

**Нодира ШУКУРОВА,
психолог:**

– Болада буллинг аломатларини аниқлаш сал қийинроқ. Чунки улар кўпинча муаммоларини айтишмайди. Аммо баъзи белгиларига эътибор бериш керак.

Масалан, хулқ-атвор ўзгаришлари. Яъни, бола ёпик, агрессив ёки аксинча, жуда тинч бўлиб қолиши мумкин. Бундай болалар кўп ҳолатларда мактабга боришни истамайди, кўпинча ёмон ҳолатда эканлигидан шикоят қилишади, тўсатдан ўқишга қизиқиш йўқолади.

Бунда жисмоний белгилар ҳам кузатилади. Масалан, бола кўкаришлар, тирналишлар, йиртилган кийимлар билан уйга кириб келади. Шунингдек, ўқувчининг нарсалари ёки пуллари йўқолади. Бола уйга нарсаларсиз келади ва уларни йўқотганини айтади. Яна бир муҳим жиҳати, унда мулоқот доирасининг ўзгариши ҳам сезилади. Бола дўстлари билан мулоқот қилишни тўхтатади, кўп вақтни ёлғиз ўтказида.

Тахлилларга кўра, буллинг кўпроқ ўрта ва бошланғич мактабларда кенг ёйилган. 10-11 синфларга бориб ўсмирларда мия фаолиятининг шаклланиши, ўзини ўзи идора қила олиш ҳисобига у секин-аста йўқолади.

Шу ўринда яна бир фикрни айтмоқчи-ман. Айрим ҳолатларда ўқитувчилар ҳам билиб-билмай буллинг сабабчиси бўлиб қолади. Яъни, ўқувчини ҳамманинг олдида камситади. Бу эса зўравон болаларга шароит яратиб беради.

Психолог сифатида айтишим мумкинки, буллинг бу жиддий муаммо. Бизга беозоргина бўлиб туюлган камситишлар, тўғридан-тўғри инсон тақдирига таъсир қилиши мумкин.

Шунинг учун, буллинг ҳал қилиниши зарур бўлган муаммодир. Мактабдаги безорилик билан ўқувчининг ёлғиз ўзи эмас, ота-она, мураббий ва ўқитувчи шуғулланиши керак. Буллингга дуч келганларга асосий маслаҳат-тезроқ мутахассис йўл-йўриқларини олиш лозимдир.

Маълумотларга кўра, буллинг бутун дунёдаги болалар ҳаётининг бир қисмига айланиб улгурди. Бундай зўравонлик салбий оқибатларга олиб келади, жисмоний зарар ва ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам кузатилаётгани аянчли, албатта.

UNICEF маълумотларига кўра, 13-15 ёшли 150 миллионга яқин бола, яъни, дунё ўқувчиларининг ярми мактабда тенгдошлари томонидан зўравонликка дучор бўлишлари ҳақида хабар берган. Ҳар ўн боладан бири ҳар кун ёки ҳафтада бу зўравонликни бошдан кечиради. Бу муаммо мактаб ва коллежларда, нисбатан озроқ – олий ўқув юртларида ҳам долзарбдир.

ЖССТ томонидан тақдим этилган маълумотларда ҳар йили дунё болаларининг ярмидан кўпи зўравонликка учраши, 25 фоиздан 50 фоизгача болалар таҳқирлаш қурбонига айланиши, ўғил болалар ўртасида зўравонлик кўпинча ўқотар ёки бошқа кулол ишлатилган ҳолда содир бўлиши ва бу ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланиши қайд этилган.

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган сўровномалар натижасида маълум бўлдики, болалик давридаги буллинг бутун дунёда мавжуд – тахминан ҳар бешинчи бола буни бошдан кечирган ва ҳар еттинчи-

си тажовузкор бўлган.

БУЛЛИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ (МИ)?

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтига кўра, буллинг турлари орасида товламачилик ўқувчиларнинг академик натижаларига энг катта таъсир қилувчи ҳолат ҳисобланади. Бу математика, ўқиш ва табиий фанлардан оладиган баҳолар пасайишига сабаб бўлиши айтилмоқда.

Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал Ўзбекистон мактаблари 15 ёшли халқаро ўқувчиларнинг билимини баҳолаш бўйича дастур – PISA имтиҳонларида илк марта иштирок этган эди. Унда 202 та мактабдан 7 293 нафар ўқувчи иштирок этди. Аҳамиятли томони, ўшанда бу дастур доирасида болаларнинг қай даражада буллинг ёки зўравонликка учраши ҳам эълон қилинган эди.

Яъни, мактаб муҳитига алоқадор бошқа омиллар, хусусан, ўқувчиларнинг бошқа ўқувчиларни кўрқитиши ёки зўравонлик қилиши (20 фоиз) ҳамда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан жуда қаттиққўл бўлиши (8 фоиз) ҳам таълим жараёнига салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги аниқланган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида зўравонликка қарши кенг қамровли кураш олиб борилмоқда. Зўравонликни ўз вақтида олдини олишга, болалар учун соғлом психологик муҳитни шакллантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди.

Хўш, Ўзбекистонда-чи? Бизда болаларни зўравонлик ва таъйикдан асраш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

Ўзбекистонда бу муаммога анчадан бери эътибор берилмай келинган эди. Бирок, сўнгги йилларда жамият ва давлатнинг буллингнинг тарқалишига эътибори сезиларли даражада ошди. Оммавий ахборот воситалари ушбу мавзу бўйича хабарлар ва ҳатто журналистик суриштирувларни тобора кўпроқ эълон қила бошлади, болалар ва ўсмирлар ўртасида бузғунчи хулқ-атворга чек қўйиш мақсадида қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш ва қатъий тартибга солишни жорий этиш бўйича ташаббуслар муҳокама қилинмоқда.

**Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:**

– Таълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида буллинг ҳолатлари дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд бўлиб, болаларга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мактабдаги зўравонлик вояга етмаганларнинг руҳий ҳолатига таъсир ўтказида, улар носоғлом шароитда улғаяди. Буллинг ҳақиқатан ҳам жиддий ижтимоий муаммодир. Ҳеч бўлмаганда бир марта четланган боланинг «ўрнида» бўлган ҳар бир киши, қоида тарикасида, бутун ҳаёти давомида бу оғриқ ва норозиликлар билан яшайди. Агрессорлар ҳодисасининг олдини олиш керак.

Соғлом, илиқ оилавий муносабатлар уйдан ташқарида уйғун муносабатларнинг калитидир. Шунга қарамай, жамоада тарбия, ахлоқий қадриятларни тарбиялаш, мулоқот ва ўзаро муносабат маданиятини ривожлантириш ишлари мактаб ва оиланинг муҳим ишидир.

Ўзбекистон томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, мактабларда буллингга қарши курашиш бўйича педагогик ходимлар ва таълим муассасалари маъмуриятини жалб этган ҳолда кенг қамровли ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда давлатнинг бола манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали чоралар кўриш мажбурияти аниқ белгилаб қўйилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бола-

“

**ПСИХОЛОГ СИФАТИДА
АЙТИШИМ МУМКИНКИ,
БУЛЛИНГ БУ ЖИДДИЙ
МУАММО. БИЗГА
БЕОЗОРГИНА БЎЛИБ
ТУЮЛГАН КАМСИТИШЛАР,
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНСОН
ТАҚДИРИГА ТАЪСИР
ҚИЛИШИ МУМКИН.**

лар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилнинг 14 ноябрь кўни узоқ куттилган «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун имзоланди.

Қонунни ишлаб чиқиш билан 2023 йил октябрь ойидан бошлаб Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги ва ЮНИСЕФ шуғулланиб келаётганди. Қонуннинг асосий мақсади зўравонликнинг олдини олиш, ундан жабр кўрган болалар билан ишлаш ва оилаларда фаровонлиқни таъминлаш тизимини яратишдан иборат. Қонун 2025 йил 15 майдан кучга киради.

Қонунга кўра, боланинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимояланадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказётган ёки етказиши мумкин бўлган ва унинг асосий эҳтиёжларига зид бўлган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик, шу жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик, деб эътироф этилади.

Жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этиш (буллинг) болаларга нисбатан зўравонликнинг шакллари бўлиб, қонун билан тақиқланади ва таъқиб қилинади, дейилади ҳужжатда.

Қонун ота-оналарнинг масъулиятини оширади. Унда ота-оналар ўз фарзандларининг ҳаёти ва соғлиғини асраши, уларга ғамхўрлик қилиши, зарари таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги белгиланган. Ҳужжат, айниқса, болаларни тарбиялаш жараёнида уларни жисмоний жазолашни тақиқлайди.

Буллинг ҳар қандай жойда ва исталган вақтда содир бўлиши мумкин: боланинг кундалик ҳаётида, бевожита муносабатларда ёки ижтимоий тармоқларда. Бу нафақат боланинг диққатини таълимда жамлашига тўсқинлик қилади, балки узоқ муддатли психологик жароҳатларга ҳам олиб келиши мумкин. Юқорида мутахассислар бунинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Демак, буллинг жараёни эътибордан четда қолиб кетиши керак эмас. Унга қарши фақат бир киши, фақат ота-она ёки бир оила кураша олмайди. Бунда бутун жамиятнинг, барчамизнинг иштирокимиз бўлиши лозим. Шунда эртамик эгалари ўзига ишонган, руҳан соғлом бўлиб вояга етади.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

38 йиллик МУАММО ЕЧИМ ТОПАДИГАН БЎЛДИ



Хар қадамда ривожланиш ва та- раққиётни кузатиш мумкин. Ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Бун- дай оламшумул ислохотлар халқимиз- нинг турмуш даражасини яхшилаш билан бир қаторда, эртанги кунга бўл- ган ишончини ҳам ошириши табиий.

Аммо жойларда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Нуқсон ва камчиликлар кўзга ташланмоқда. Денов туманидаги "Дунётепа" маҳалла аҳли- ни 38 йилдан буён пиёдалар йўлакчаси йўқлиги қийнаб келаётгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

– Худуд туман марказидан 13-15 километр олисда жойлашган, – дейди Ўзбекистон Қахрамони, партиямиз фаоли Юсуф Зиёев. – Мен ҳам шу маҳаллада яшайман. Беш минг нафардан ортқ аҳо- ли бор. Ўтган асрнинг 85-90 йилларида йўл четида бинойидек пиёдалар йўлак-

часи бўларди, денг. Янги уй-жойлар курилиб, фермер хўжаликлари ташкил қилингандан кейин эса у бирдан зим-у ғойиб бўлди.

Бугунги кунда беш юз нафарга яқин ўқувчи ва боғча болалари катта йўл ёқа- сидан юришга мажбур бўлмоқда. Тез-тез йўл-транспорт ҳодисаси кузатилаяпти. Ўқитувчилар хавотирда бўлса, ота-она- лар ҳадиқда. Нима қилиш ва қандай йўл тутишга ҳайронмиз.

– Йўлакчанинг узунлиги 1 кило- метрдан ошади, – давом этади партиямиз фаоли Нафиса Тўхтасинова. – Шундан 400 метри йўқолиб кетган бўлса, 600 метрига ўтган йили тош тўшалганди. Ишлар ўлда-жўлда бўлгани учунми, ҳар жой-ҳар жойда пиёладек келадиган тош- га кўзингиз тушади. Йўлакчини "кесиб" ўтган ариқ ва зовурлардан "ирғиб" ҳам, "ҳаккаллаб" ҳам ўтиб бўлмайди. Ҳар жиҳатдан қулай йўлакча қуриш наҳотки

шунчалик қийин бўлса?!
Хар бир ишнинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам бўлиши лозим. Хўш, дунётепаликларни бир неча ўн йилдан буён қийнаб келаётган масала ечим топа- дими-йўқми?
– Ушбу йўл (75В 009) маҳаллий аҳа- миятга эга, – дейди Денов туман йўллар- дан фойдаланиш давлат муассасаси бош муҳандиси Фахриддин Ҳайдаров. – Ўтган йили корхонамиз томонидан йўлакча- нинг 600 метрига тупроқ ва тош ишлари бажарилган бўлса, жорий йилнинг иккин- чи ярмида бетон қоплама ётқизиш режа- лаштирилган. Асосий мақсад қурилиш ва бунёдкорликларни ўз вақтида ва сифат- ли амалга оширишдир. Йил якунигача дунётепаликларнинг узоғи яқин, мушқу- ли осон бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Ҳикматли дунё



Севгида қуёш каби бўл.
Дўстлик ва қардошлиқда оқар сув каби бўл.
Бировларнинг хатоларини ёпишда кеча каби бўл.
Тавозуда тупроқ каби бўл.
Ғазаб ониди ўлик каби бўл.
Хар не бўлсанг бўл
- ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади.
Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

ФАРОБИЙ

Билишини биладиган одамга эргашинг, билишини билмаганни огоҳлантиринг, билмаслигини биладиганга ўргатинг, билмаслигини билмагандан қочинг.

КОНФУЦИЙ

Эҳтиётсиз (қилинган) дори-дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина шифо бўлади.

АЛ ХОРЗАМИЙ

Хар бир инсоннинг қадр- қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

БЕРУНИЙ

Болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар.

ФИТРАТ

СЎЗ – МУШТАРИЙЛАРГА!

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ – ИЛК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Мен "Ўзбекистон овози" газетасининг ҳар сонини мунта- зам ўқиб бораман. Унда ёрити- лаётган сиёсий, ижтимоий мав- зулар муҳокамаси, таҳлилий мақолалар кўпчилиқ қатори мени ҳам мушоҳадага ундайди. Газетанинг ҳар сонидан ўзимга маъқул келган материалларни белгилаб қўяман, керакли маъ- лумотларни оламан.



Шунингдек, Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифала- ридан ҳам хабардорман. Айниқса, ёшларнинг сифатли таълим олишига қаратилган ғояларини қўллаб-қув- ватлайман.

Кизиқишим, газета саҳифаларидаги мақолалардан руҳланиб, касбий фаоли- ятимдан келиб чиқиб, мен ҳам ўз фикрла- рим билан бўлишишни хоҳладим.

Ўқитувчиман, касбимдан фахрланаман. Ўқувчиларимнинг юз-кўзидаги ҳаётга, келажакка ишонч, билимга чанқоқлик, ўзига хос шиддаткорликни кўриб завқла- наман. Касбимга, ишигма муҳаббатим янада ошади.

Таълим – жамият, иқтисодиёт ва ҳар бир инсон салоҳиятининг асоси ҳи- собланади. Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг таълим олишига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва улар

учун қулай шароит яратиш жараёнлари "Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан бошланади" ғояси асосида тубдан тако- миллаштирилаётгани бу фикрнинг амалий ифодасидир.

Улуғ донишмандлардан бири «... келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит», деган экан. Шунинг учун мамлакатимизда таълим тизимига эътибор ниҳоятда катта. Амалга оширилаётган ислохотларнинг, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидан бошланиши глобаллашув жа- раёнида болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим ти- зимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва

аҳамияти беқиёсли- гини назарда тутати. Бошланғич таълим инсон камолотининг пойдевори ҳисоблана- ди. "Ёшлиқда олинган билим – тошга ўйил- ган нақшдир" дей- илган. Шундай экан, уларнинг маънавия- тини, дунёқарашини ўстириш, чин аъло фазилатли инсонлар қилиб тарбиялашда таълимнинг ушбу босқичи муҳим ўрин тутати.

Чунки бошланғич таълим ўқувчилар- нинг мантикий тафаккур қила олиши, ақ- лий ривожланиши, дунёқараши кенгайиши, моддий ва маънавий гўзалликни ҳис қила олиши ҳамда миллий бойликларимиздан завқлана олишни шакллантиришга хизмат қилади.

Мен муаллим қадр топган шундай юртда устозлик қилаётганимдан фахрла- наман.

Дилнора САИДНАЗАРОВА,
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

МАРКАЗИЙ БАНК:

2024 йилда ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ БОЗОРИДА ПАСАЙИШ КУЗАТИЛДИМИ?

Марказий банкнинг таҳлиliga кўра, 2024 йилда Ўзбекистон кўчмас мулк бозори ўтган йиллардаги фаол ри- вожланишдан сўнг ўсиш суръатлари пасайганини кўрсатган.

Жумладан, 2024 йилда Тошкентда икки- ламчи уй-жойнинг ўртача нархи 1,8 фоиз – кв.м учун 1190 долларгача пасайган, ер эса 2,9 фоизга арзонлаб – сотихига 352 миллион сўмни ташкил қилган. Бироқ тўртинчи чорақда (октябрь-декабрь) бозор жонланиб, битимлар сони ошган ва нарх кўрсаткичлари ижобий динамикани кўрсатган.

Шу билан бирга, Навоий, Тошкент, Бу- хоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар сонининг камайиши қайд этилган. Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида фаол- лик деярли ўтган йилги даражада сақланиб қолган. Бошқа ҳудудларда эса ўсиш ўртача бўлган.

Даромадлар ошиши, аҳоли ўсиши ва

урбанизация каби омиллар уй-жойга бўлган талабни қўллаб-қувватлашда давом этган бўлса-да, ипотека кредитлашнинг секинла- шиши, қурилишнинг юқори суръатлари ва бозорнинг қисман тўйинганлиги нархларнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Ушбу ўзгаришлар уй-жой нархи пасайишига сабаб бўлган.

Марказий банкнинг ахборотига кўра, янги уй-жойлар нархларининг нисбатан юқори ўсиш суръатлари унинг харидорлар орасида талаб- гирилиги билан изоҳланган, янги бинолар учун берилган ипотека кредитларининг асосий улу- ши сақланиб қолгани ҳам бундан далолат бера- ди. Ипотека кредитлари бозорининг бирламчи улуши 2023 йилдаги 59 фоиздан 2024 йилда 66 фоизгача ошган.

Бундан ташқари, ўтган йилда ипотека кре- дитларининг 66 фоизи бирламчи бозор учун ажратилган. Марказий банкнинг маълумотига кўра, 2024 йилда банклар 58,8 минг фуқарога қарийб 17,1 триллион сўм ипотека кредити ажратган. Ипотека кредити олганлар сони эса



ўтган 2023 йилга нисбатан 9,5 минг нафарга камайган.

Ипотека кредитлари ҳажмининг йиллик ўси- ши 1,5 фоизгача пасайган. 2024 йилда ажра- тилган ипотека кредитлари 2023 йилга нисба- тан 247 миллиард сўмга ёки 1,5 фоизга ўсган.

Ипотека кредитларининг 66 фоизини эркак- лар, 34 фоизини аёллар олган. Ёш тоифаси бўйича 31-50 ёшдаги аҳоли қатлами жами ипотека олувчиларнинг 68 фоизини ташкил қилган.

Тошкентда ўтган йил ноябрь ойдан бери уй-жойлар ижараси арзонлашда давом этмокдами?

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МҲТИ) маълумотларига кўра, Тош- кент шаҳрида уй-жойлар учун ижара нархлари

2024 йил ноябрдан бери арзонлашда давом этмокда. Мазкур даврда пойтахтда ўртача таъ- мирланган хонадонлар учун ижара нархлари декабрь ойига нисбатан 0,1 фоизга арзонла- ган.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтининг мутахассислари томонидан 2025 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида уй-жойлар учун таклиф этилган ижара нархла- ри таҳлил қилинди.

Жумладан, мазкур даврда пойтахтда ўр- тача таъмирланган хонадонлар учун ижара нархлари декабрь ойига нисбатан 0,1 фоизга, тўлиқ таъмирланган хонадонлар учун эса 0,3 фоизга арзонлаган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

MUASSIS:		Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA		Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.	
O'zbekiston Ovozi		MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3		Navbatchi: Ravshan SHODIYEV	
TAHRIR HAY'ATI:		Телефонлар: (71) 239-12-14		Г — 237. 1737 nusxada bosildi.	
Ulug'bek INOYATOV		Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru		Nashr ko'rsatkichi — 220.	
Ulug'bek VAFOYEV		«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.		t — Tijorat materiallari	
Maqsuda VORISOVA		Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.		1 2 3 4 5 6	
Qalandar ABDURAHMONOV		Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.		Sotuvda kelishilgan narxda	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI		Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.			
		Gulliston ANNAQILICHEVA			
		Muslihiiddin MUHIDDINOV			
		Olim RAVSHANOV			
		Toshtemir XUDOYQULOV			